HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

1928 yil 11 dekabrda asos solingan

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2022-yil
2-aprel
SHANBA
№ 24 (13481)

@haqiqatonline

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида юртимизда миллий ва диний қадриятларимизга бўлган эътибор ва эҳтиром янада ортиб бормоқда. Жонажон диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, хонадонларимиздаги файз ва қут-баракани халқимиз, аввало, Яратганнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик ва миннатдорлик билан қабул қилмоқда.

Айниқса, аҳиллик, ўзаро бирдамлик ва маънавий поклик фазилатлари улуғланадиган қутлуғ Рамазон ойини эл-юртимиз доимо катта хурсандчилик ва кўтаринки кайфиятда кутиб олмоқда. Ушбу муборак кунларда инсон қадрини улуғлашга, оила ҳамда маҳаллага меҳр ва эътиборда бўлиш, ижтимоий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд кишиларга ёрдам ва саховат кўрсатишга қаратилган савобли амаллар янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Халқимиз учун эзгулик ва мурувват, меҳр-оқибат рамзи ҳисобланган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик тамойилларини ҳамда маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2022 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 2 апрель кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб тарзда ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда ушбу муборак ойнинг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, шукроналик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, мамлакатдаги тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаш, оилалар ҳамда маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 31 март

*Имконият*

## БАЛИҚЧИЛИК ҲАМ ИЛМ БИЛАН ЮКСАЛАДИ



**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан жорий йил "Халқаро кичик ҳажмли балиқчилик ва аквакультура йили" деб эълон қилинди.**



Мамлакатимизда ҳам балиқчилик соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Янгийўл туманида Президентимизнинг "Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан республикада илк балиқчиликка ихтисослашган илмий лаборатория фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур муассаса Балиқчилик илмий-тадқиқот институти негизида очилди.

– Бу лабораторияни ташкил қилишдан асосий мақсад – балиқларга зарар етказувчи омилларни аниқлаш ва уларга қарши чоралар топиш, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Жабборов. – Бу ерга турли хилдаги балиқлар олиб келинади ва қандай шароитда яшай олиши, қандай ҳажмли кўлларда қанча балиқ боқиш мумкинлиги, қандай озиқа маҳсулотлари самаралироқ бўлиши текширилади. Сўнгра натижалар таҳлил қилиниб, балиқчилик билан шуғулланувчи ташкилот раҳбарларига шу бўйича амалий семинарлар ўтказилади. Ҳар бир тажриба камида уч ой давом этади.

Лаборатория Беларусь республикаси қишлоқ хўжалиги фанлар академияси балиқчилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент давлат аграр университети билан ҳамкорликда фаолият юритади. Шунингдек, Россия Федерациясининг қатор олимлари томонидан самарали балиқ озиқалари ҳақида амалий семинарлар ўтказиш режалаштирилган.

– Лаборатория ҳар бир йўналиш учун махсус бўлимларга ажратилган, – дейди Балиқчилик илмий-тадқиқот институти директори Абдулла Қурбонов. – Ҳозирда озиқалар бўйича алоҳида, балиқларнинг иқлимга мослашиши, шунингдек, сув ҳавзасида балиқларга кислород етказиб бериш бўйича илмий текширувлар олиб борилмоқда.

Лабораторияда қирққа яқин ходим фаолият олиб бормоқда. Тошкент давлат аграр университети билан тузилган шартномага асосан, ҳозирда олийгоҳнинг бир гуруҳ талабалари бу ерда амалиёт ўташмоқда. Уларда келгусида ишда қолиш имконияти ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, келишувга асосан ҳар йили 6 нафар ходим малака ошириш учун Беларусь илмий-тадқиқот институтига юборилиши режалаштирилган.

Ушбу лаборатория фаолиятини йўлга қўйишдан кўзланган мақсадлар амалга ошса соҳа янада ривожланиши, бозор расталари



сифатли ва ҳамёнбоп балиқ маҳсулотлари билан бойиши, шунингдек, хориж давлатлари билан ҳамкорлик қилишга имкон ортиши мумкин.

**Суҳробжон САДИРОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Аброр ЭСОНОВ олган суратлар*

*Ибрат*

**Ажойиб қадриятларимиз бор: биргина кўкламги кўчат экиш таомилларининг ўзи нечоғлик меҳр-оқибат, меҳнаткашлик, маънавий-руҳий тарбияга монанд...**

## АНЪАНАЛАР БАРДАВОМ




Буни шу кунларда вилоятимиз бўйлаб ўтаётган ҳашар жараёнларида яққол кўриш мумкин. Кексаю ёш, мансабдору талаба – ҳамма бир даврада, тенг меҳнат қилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев Бўка туманидаги "Бўка" маҳалла фуқаролар йиғинида "Яшил макон" умуммиллий тадбири доирасида 1 гектар майдонда кўчат экиш акциясида қатнашди.

Вилоят бошқарма, ташкилот вакиллари ва маҳалла фаоллари иштирок этган акцияда 5 мингдан ортиқ дарахт кўчатлари экилди.

Бу каби хайрли тадбирлар вилоятнинг барча туман-шаҳарларида қизғин давом этмоқда.

*Муносабат*

## Тошкент халқаро инвестиция форуми: СТРАТЕГИК ТАШАББУСЛАР ВА САРМОЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАР



**Жорий йилнинг 24-26 март кунлари пойтахтимизда ўтказилган 1-Тошкент халқаро инвестиция форуми стратегик ташаббусларни амалга ошириш ва халқаро бизнес ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг инвестициявий имкониятларини намойиш этиш учун жуда катта майдон бўлди. Бу йирик тадбиркорлик анжумани дунёнинг 56 давлатидан 2 мингдан ортиқ иштирокчи – йирик инвестор ва юқори мартабали меҳмонларни бирлаштиргани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.**

Форум муҳити, шунингдек, унинг мукаммал ишбилармонлик дастури дипломатик мулоқот, конструктив фикр алмашиш, янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга хизмат қилди.

Хабарингиз бор, анжуман доирасида савдо-иқтисодий, фан-техника, маданият, спорт ва ёшлар масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 5-мажлиси бўлиб ўтди. Шунингдек, форум иштирокчилари икки томонлама учрашув ва музокаралар давомида фаол фикр алмашдилар ва ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилдилар.

Албатта, бу анжуманнинг аҳамиятини ҳар қанча эътироф этиш мумкин, бироқ унинг фойдали жиҳатлари энг биринчи галда эришилган амалий натижалар билан белгиланади.

(Давоми 2-саҳифада)

*Марҳабо, Рамазон!*



## Заминдан САМОга НУР

**Дилларга сурур, қалбларга сокинлик, ҳузур-ҳаловат улашадиган муборак Рамазон ойи кириб келди. Бу ойнинг файзи ва шукуҳи ўзгача. Бу ой бежиз орзиқиб кутилмайди. Унда минг ойларга татийдиган кеча бор. Бу ойда сўзларнинг энг улуғи – Каломуллоҳ нозил бўлган.**

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, ҳар йили Рамазонни юртимизда кўтаринки руҳда кутиб оламиз. Чунки бу ойни муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида ҳар йили муҳтарам Президентимизнинг махсус қарори қабул қилинади. Шу ҳужжат асосида муборак ойнинг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, азалий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарғибот тадбирларини ўтказишга аҳамият қаратилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Рўза тутинглар, соғлом бўлурсиз. Сафар қилинглар, бой бўлурсиз", деганлар (Имом Табароний ривояти).

Рўзанинг жуда кўп фойдаси бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни ана шу фойдаларга тарғиб қилганлар. Биринчидан, рўза инсон танасини турли касалликлардан асрайди. Сабаби, танадаги кўп касалликлар асосан меъда ва ичакларда тўпланиб қолган чиқиндилар ҳамда ортиқча вазндан келиб чиқади.

Иккинчидан, рўза зеҳннинг саломатлиги, фикрнинг тўғри бўлиши, ҳофиза қувватини фаоллаштиради, хотирани тиклайди. Кўп ейиш мияда намлик ва ботни кўпайтиради, бу эса хотира қувватига оғир келади.

4

*Сафар таассуротлари*



## Мурунтов мўъжизаси

### Ёхуд ер куррасидаги олтин ҚАЙНАЁТГАН энг катта "ҚОЗОН"

2

**Пискент туманида фавқулодда вазиятлар бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

## ЯНГИ БИНО: ФАВҚУЛОДДА КЎРКАМ ВА ҚУЛАЙ




**Очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев, сектор раҳбарлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги масъуллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

**Замонавий кўринишда қурилган икки қаватли бинода 44 нафар ходим учун барча шарт-шароитлар, махсус жиҳозланган хизмат хоналари, мажлислар зали, ошхона ва дам олиш мажмуаси мавжуд.**

**Шахсий таркибнинг жанговар шайлигини ошириш мақсадида спорт майдонлари ҳам ташкил этилган.**

**Тадбирда вилоятнинг олис туманларида жойлашган фавқулодда вазиятлар бўлимлари учун махсус қутқарув асбоб-анжомлари топширилди.**

*Яхши хабар*



**Тошкент ва навқирон Навоий вилоятларининг иқтисодиётида ҳам, маънавий ҳаётида ҳам жуда кўп муштаракликларни кузатиш мумкин. Масалан, ҳар икки вилоятда ҳам дунёдаги энг ноёб олтин конлари жойлашган. Навоийда Мурунтов кони қанчалик аҳамиятли бўлса, Тошкент вилоятидаги Қалмоққирнинг нуфузи ҳам бундан кам эмас. Бу ёғини сўрасангиз, вилоят марказлари – Нурафшон билан Зарафшоннинг номлари уйқаш. Шу боис Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати ҳамкорлигида жорий йилнинг 25-30 март кунлари “Миллий журналистика: анъаналар давомийлиги ва замонавийлик” мавзуида ўтказилган биринчи республика медиа форумида пойтахт вилоятилик журналистларнинг фаоллиги алоҳида бўлди.**







# Мурунтов мўъжизаси

## Ёхуд ер куррасидаги олтин ҚАЙНАЁТГАН энг катта “ҚОЗОН”



Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда матбуот соҳасини ислоҳ қилиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда янада эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар анжуман доирасидаги суҳбат ва мулоқотлар мазмун-моҳиятини ташкил этди. Уларда таниқли олимлар, моҳир журналистлар модераторлик қилдилар. Назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланди.

Эшитгандан кўрган афзал, деганларидек, форум иштирокчилари Навоий машинасозлик, 5-гидрометаллургия заводларидаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишдилар. Мазкур саноат кластерларидаги энг замонавий техника ва қурилмалар айнан машинасозлик заводида ишлаб чиқарилаётгани кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди.

Зарафшонда янги бунёд этилган 5-гидрометаллургия заводида бирорта ҳам хорижда ишлаб чиқарилган техника ва қурилмаларни кўрмадик. Буни ижобий воқеа сифатида баҳолаш лозим. Ҳаммаси ўзимизники, четникидан ўзса ўзадики, сира ҳам қолишмайди. Маҳаллийлаштириш дастурларининг самараси, деганлари шу бўлса керакда.

Завод директорининг номини эшитганимизда, исми жисмига монанд полвон йигит бўлса керак деган хаёлга боргандик. Янглишган эканмиз. Фарҳод Чўлиев хушбичим, ёш, камтаргина йигит экан.

– Шундай катта корхонага неча ёшда раҳбар бўлиш мумкин, – деб сўраймиз директордан ҳазил аралаш.

– Ёшим 34 да, – жиддий жавоб беради у.

Бу бизнинг саволимизга тўлиқ жавоб эмасди. Чунки у директор курсисига 32 ёшида ўтирган. Қувонарлиси шундаки, Фарҳод Чўлиев тимсолида бугун корхонага маҳаллий ёшлар дадил кириб келишган ва ўзларига бириктирилган вазифани шараф билан уддаламоқдалар. Улар кам эмас, мингдан ортиқ. Бу дастурнинг номи нима эканлигини билмайман, лекин ҳайратли амалиёт эканлигини тўлалигича англаб етгандекман.

Корхона фаолияти билан танишгач, раҳбар ҳақидаги дастлабки фикримиздан қайтдик: у том маънодаги Фарҳод экан. Йўқдан бор қиляпти, десак, салгина муболаға бўлар. Лекин, бунга ишонса ҳам бўлаверади. Заводнинг хом ашёси асосий корхонада ишловдан чиққан маъданлар. Тайёр хом ашё. Бир вақтлар ана шу бир марта ишловдан ўтган чиқиндилар ҳеч кимга керак эмасдек кўринарди. Энди эса ноёб маҳсулотга айланмоқда. Иш самарадорлиги Мурунтовдан маъдан олиб ишлаётган корхоналарникидан кам эмас. Чунки, транспорт харажати йўқ даражада. Қидирув, разведка каби мураккаб жараёнларга эҳтиёж сезилмайди.

Корхонадаги суҳбатлар, иш жараёни қуйидагича хулоса қилишга асос бўлади. Бу ерда меҳнат қилаётганларни замонамиз фарҳодлари, деб бежиз эъзозлашмас экан. Яна, бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди, деганлари ҳам бор гапга ўхшайди.

Сўнгги иборага дунёдаги энг йирик олтин конларидан бири ҳисобланган Мурунтов карьери фаолияти билан танишганимизда яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Бунда ер куррасидаги энг катта қозонда олтин қайнаётгандек кўринади. Ёки, осмоннинг замин остидаги аксига ўхшайди. Ўз кўзингга ишонмайсан, киши. Ҳайрат ортидан ҳайрат.

Мазкур кон олтин захираси бўйича аср мўъжизаси сифатида тан олинган. Мурунтов карьери ҳажм жиҳатидан дунёда энг катта кон ҳисобланади. Унинг чуқурлиги ҳозирча 630 метр. Келгусида ернинг 1 минг 80 метрлик қаъридан ҳам руда олиш режалаштирилган. Олимларнинг тадқиқотларида исботланишича, олтинли руда ернинг 2 минг метргача қатламида ҳам ҳосил бўлар экан. Олтин захираси қанчага етади экан, деганлар бу тадқиқотнинг мағзини чақиб, ўз саволларига жавоб топишлари энди у қадар қийин эмас.





Конда 121 та баҳайбат юк машиналари ишламоқда. Уларнинг карьерга тушиб чиқиш масофаси 20 километрни ташкил қилади. Яъни чуқурлиги 630 метрлик коннинг айланма йўллари ана шундай узунликда. Оғирлиги 181 тонна келадиган йирик юк машиналари таркибида олтин зарралари мавжуд бўлган 240 тонна маъданни карьер тубидан юқорига олиб чиқади. Техникалар шундай баҳайбатки, бу машиналар ғилдирагининг юқори қисмини ушлаб кўриш учун уч одамнинг бўйи баробар нарвон керак. Ғилдираги шунча бўлса, ўзи қандай экан? Лекин, Мурунтов тепасидан қарасангиз... шоир айтганидек, “чумолидек тизилишиб юради улар...”

Бу ерда ҳар бир техниканинг ҳаракати қатъий назорат қилинади. Тоғ-кон транспорт мажмуасини автоматик бошқарув тизими ишлаб чиқилган. Йил охирига бориб, бу тизим шу қадар такомиллашадики, машинанинг ҳар бир ҳаракати, иш самарадорлиги инсон омилисиз кузатилади ва баҳоланади.

Руда ташиб чиқариш ҳажми тўлалигича юк машиналар зиммасида эмас. Конда ҳар йили 14 млн. тонна маъданни 285 метр баландликка олиб чиқиш имконини берувчи ва умумий узунлиги 1 минг 802 метр бўлган тик-қия конвейер ҳам ишлаб турибди. Бошқа кўплаб техника ва иншоотлар ҳам бор. Айтишларича, бу жараён комбинатнинг аҳил жамоаси фидойи меҳнатининг оддий бир кўринишидир.

– Мурунтов ортидан Янги Ўзбекистоннинг ёрқин келажагини кўриб тургандек бўлдим, – дейди ҳамроҳимиз, бўкалик ёш блогер Расул Қосимов.

Дарвоқе, медиа форумда Навоий кон-металлургия АЖ бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондиқ Санақулов журналист ва блогерлар олдида сўзга чиқиб, ушбу биринчи бор ташкил этилган медиа форум энди анъанавий бўлишини маълум қилди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров эса ўз сўзида ушбу масалада уюшмамиз ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий вилояти ҳокимлиги ўртасида уч томонлама меморандум имзолanганини айтди.

Зўр иш бўлди. Насиб қилса, Навоийга яна борамиз.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ**
*Нурафшон – Навоий – Зарафшон – Нурафшон*

# Тошкент халқаро инвестиция форуми:

## СТРАТЕГИК ТАШАББУСЛАР ВА САРМОЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шу маънода, форум якунлари бўйича 7,8 миллиард долларлик шартномалар ва сармоявий битимлар тузилишига, хусусан, 3,5 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастлабки келишувларга эришилгани кўп нарсани англатади.

Жумладан, Тошкент вилояти миқёсида ҳам бир қанча аниқ ва истиқболли шартномалар, инвестициявий битимлар пакети имзоланди. Шунингдек, қиймати 2 миллиард доллардан ортиқ 6 та лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Хусусан, араб сармоядорлари билан Янгийўл шаҳрида тураржой мажмуаси ва савдо-кўнгилочар маркази қурилиши учун 25 миллион долларлик, Хитой давлати билан "Ангрен" ЭИЗда газобетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 17,6 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш учун амалий қадамлар ташланди.

Шунингдек, латвияликлар томонидан 15 миллион доллар маблағ йўналтирилиши ҳисобига Юқори Чирчиқ туманида дам олиш мажмуасини қуриш, турк инвесторлари билан Оҳангарон туманида 13 миллион долларлик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун бир қатор битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, АҚШ давлати билан 20 миллион доллардан ортиқ экспорт шартномаларини рўёбга чиқариш юзасидан самарали келишувларга эришилди.

Бир сўз билан айтганда, форум Ўзбекистон халқаро бизнес ҳамжамиятида инвесторлар учун энг қулай ва жозибадор шарт-шароитлар яратиш, хорижий шериклар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама чуқурлаштириш бўйича илдам одимлаётганини бутун дунёга намойиш этиш баробарида истиқболдаги йўналишларимизни белгилаб олишда ҳам муҳим аҳамият касб этди, десак янглишмаймиз.

**Нажмиддинхўжа ШАРИПОВ,**
**вилоят ҳокимининг ўринбосари,**
**Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи**

Бизга ёзадилар

# ОБОД ЮРТНИНГ ФАОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

**Бугун мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан педагогларнинг нуфузини ошириш, шаъни ва обрўсини тиклаш, машаққатли ва шарафли меҳнатини моддий-маънавий рағбатлантириш бўйича бошланган ишлар янги поғонага кўтарилмоқда. Бу эса соҳа ходимларидан илғор технология ва методларни пухта ўзлаштириб, таълим жараёнида кенг қўллашни тақозо этмоқда.**

Бизнинг жамоа ҳам юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, яратилаётган имкониятларга ҳамоҳанг тарзда янги режалар тузиб, ўқувчиларга замон талаблари доирасида таълим-тарбия беришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, синфхоналари фанларга мослаб қайта жиҳозланди, замонавий ўқув-лаборатория куроллари билан таъминланди. Мактабимиздаги фан тўгаракларида ўқувчилар билан янги дастурлар асосида ишлаб, яхши натижаларга эришяпмиз.

Айниқса, “Ҳамма китобхон” йўналишида олиб бораётган ишларимиз яхши самара бериб, мактабимизда ёш ижодкорлар кўпаяётгани қувонарли. Ўтган ўқув йилида мактабимизни битирган 29 ўқувчининг 16 нафари олий ва ўрта-махсус таълимда ўқишини давом эттирмоқда.

Шу кунларда мактабимиз ва маҳалламиз ёшлари “Обод юртнинг фаол фарзанди бўл!” шиори остида катталар бошчилигида ўзлари яшаётган ҳудудни обод қилишда фаол қатнашишмоқда. Жорий йилнинг ўзида мактабимиз ҳудудига 500 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиб, парваришлашни йўлга қўйдик.

Шу орқали юртимиз бўйлаб кенг қулоч ёзган “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатига ўз ҳиссамизни қўшяпмиз.

**Илҳом ПЎЛАТОВ,**
**Оққўрғон туманидаги 38-умумтаълим мактаби директори**

# ГРАНТ МАБЛАҒЛАРИ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ЕТКАЗИЛДИ

**Маълумки, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги нодавлат- нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига ўтган йили давлат гранти ва давлат ижтимоий буюртмаси учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 1 миллиард сўм маблағ ажратилди.**

Сарҳисоб

Ушбу маблағ эвазига давлат грантининг иккита танлови ўтказилди. Биринчи танлов якунларига кўра, ғолиб бўлган 10 та нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳар бирига 30 миллион сўмдан – жами 300 миллион сўм маблағ молиялаштириб берилди.

Иккинчи танловда эълон қилинганидек, 1 та давлат ижтимоий буюртмаси учун 350 миллион сўм ажратилган бўлса, 10 та давлат грантининг ҳар бирига 30 миллион сўмдан, 2 та давлат гранти учун 25 беш миллион сўмдан маблағ белгиланди.

Маҳаллий бюджет томонидан 2021 йил учун ажратилган маблағ тўлиқ молиялаштирилди.

Шунингдек, жамоатчилик назорати учун амалга оширилган ишлар мунтазам равишда ОАВда ёритилиб, жамоат фондининг мақсад ва вазифалари, ўтказилаётган танловлар юзасидан тушунчалар бериш мақсадида давра суҳбатлари ташкил этилди.

**Камолиддин КАРИМОВ,**
**жамоат фонди директори**

# Вилоят бўйлаб



Тошкент вилояти прокурори Салом Самадов **ОҚҚЎРҒОН туманида** тадбиркорлар билан учрашди. Унда туман ҳокими, туман сектор раҳбарлари, тижорат банклари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Monomarkaz биносида ўтган учрашувда вилоят прокурори тадбиркорларнинг муаммолари, ташаббус ва таклифларини эшитди.



**ҚИБРАЙ тумани** “Қодирия” маҳалласидан ўтувчи "Бувра ота – ГЭС Қодирия – Ғишт заводи" йўналишли 4К 698 йўлининг 200 метр қисмига 1600 м² асфальт қопламаси ётқизилиб, таъмирлаш ишлари жадал амалга оширилмоқда.

Айни дамда бу ерда Йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси томонидан жалб қилинган 40 нафар ходим ва 12 дона асфальтлаш техникаси ишламоқда.



**БЕКОБОД шаҳридаги** 16-мактабда "Она табиат" деб номланган шаҳар семинари ва "Мен кичик тадқиқотчиман" кўрик-танлови ўтказилди. Унда ўқувчилар устозлари кўмагида яратган ижодий техник ишлари билан қатнашишди. Фаол иштирок этган ўқувчилар танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритишди.



**ОҲАНГАРОН шаҳар** ҳокими Акром Эшонқулов вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Холмирза Ниёзов ва мутасаддилар "Ёшлик" маҳалласида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд фуқароларга сигир совға қилишди.

Эндиликда бу оиланинг рўзғорига барака киради.



**БЎКА тумани** ёшлар етакчиларига иш жараёнида фойдаланиш учун планшетлар топширилди.

Тадбирда туман ҳокими Низомиддин Аббосов ёшлар етакчилари учун яратилаётган шарт-шароитлар, мавжуд имкониятлар ҳақида сўзлади. Шунингдек, ўзининг ҳаётий тажриба ва маслаҳатлари билан ўртоқлашди.



**БЕКОБОД тумани** фермерлари катта тараддуд ва эзгу ниятлар билан чигит экишга киришдилар. Шу муносабат билан тумандаги АПК Бекобод кластер, Авангард ҳудуди ҳамда "Ўрикзор Абдулазиз файз" фермер хўжалиги даласида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг*
*ҚАРОРИ*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ВА УЛАРНИНГ ШАХСИЙ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 20, 21, 25-моддаларига, шунингдек, Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари тавсиясига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи 6 та округ сайлов комиссиялари тузилсин ва уларнинг шахсий таркиби қуйидаги тартибда тасдиқлансин:

**10-“Чирчиқ” округ сайлов комиссияси**

**Комиссия раиси**

Зияев Саит Нишанович – “Олмалиқ КМК” АЖ илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси цех устаси

**Раис ўринбосари**

Азимова Умирхон Одиловна – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети хорижий тил кафедраси катта ўқитувчиси

**Котиби**

Умарова Динара Фурқатовна – Чирчиқ шаҳар Ёшлар ишлари агентлиги вакили, Мирзо Улуғбек номли МФЙ ёшлар етакчиси

**Аъзолари**

Ниязов Эркин Давронбекович – Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 24-умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси

Жаҳонгиров Бурхон Бўронович – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети кафедраси доценти вазифасини бажарувчи

Дарбиева Малика Қасимовна – Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 22-умумтаълим мактаби кадрлар бўйича менеджери

Мухитова Дилафруз Тўлқиновна – Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 14-умумтаълим мактаби лаборанти

Ташев Элёр Эркинович – Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 13-умумтаълим мактаби информатика фани ўқитувчиси

Тухтаев Қувончбек Боймирзаевич – “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали Чирчиқ телекоммуникациялар боғламаси Ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологиялари хизмати 1-тоифали техниги

Хайтмахамадов Сирожиддин Салахиддинович – Чирчиқ шаҳар “Иссиқлик манбаи” корхонаси моддий-техник таъминоти мутахассиси

Собирова Зебо Бахрамовна – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети хорижий тил кафедраси катта ўқитувчиси

*10-“Чирчиқ” округ сайлов комиссияси манзили – Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети биноси. Тел.: 91 775 29 20.*

**17-“Бўка” округ сайлов комиссияси**

**Комиссия раиси**

Қаххоров Отажон Хамидович – Бўка тумани 1-сон касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси

**Раис ўринбосари**

Суннатуллаев Ахмаджон Нематуллаевич – Бўка тумани “Бунёдкор” МФЙ раиси

**Котиби**

Махкамов Бахтиёр – Бўка тумани 1-сон касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси

**Аъзолари**

Абдувохидова Дилдор Қодировна – Бўка тумани 4-умумтаълим мактаби кадрлар бўйича менеджери

Ахмедов Эгамберди Абдумажидович – Бўка тумани 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Мусаева Барно Абдужабборовна – Бўка тумани 3-умумтаълим мактаби директори ўринбосари

Расулжонов Мурод Хакимович – Бўка тумани “Маданият” МФЙ раиси

Эргашев Акром Исломович – Бўка тумани халқ таълими бўлими мудири ўринбосари в.в.б

Ғофурова Гулчехра Эгамқуловна – Бўка тумани халқ таълими бўлими таълим сифати мониторинги бўлими бошлиғи

*17-“Бўка” округ сайлов комиссияси манзили – Бўка тумани, “Тошлоқ” МФЙ, Абдулла Қодирий кўчаси, 9-уй (1-сон касб-ҳунар мактаби биноси). Тел.: 95 081 35 65.*

**21-“Чорбоғ” округ сайлов комиссияси**

**Комиссия раиси**

Қорабоев Бахтиёр Тўлқинович – Бўстонлиқ тумани “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси

**Раис ўринбосари**

Аманов Мурод Собирович – Бўстонлиқ тумани 18-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Котиби**

Шерова Лобар Олимовна – Бўстонлиқ тумани 17-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Аъзолари**

Бердиева Гулрух Рози қизи – Бўстонлиқ тумани тиббиёт бирлашмаси Чорвоқ филиали умумамалиёт ҳамшираси

Юлдош набираси Шахло Бахтиёр қизи – Бўстонлиқ тумани 19-мактабгача таълим муассасаси услубчиси

Олимов Алишер Норимбоевич – “Ўрта Чирчиқ ГЭСлар каскад”и унитар корхонаси раҳбари

Меҳриддинов Тохир Тожибоевич – Бўстонлиқ тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш унитар корхонаси

Бекмуратов Бахрам Рисқимбоевич – Чорбоғ сув омбори бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Акрамов Фаррух Ортиқали ўғли – Бўстонлиқ тумани 16-умумтаълим мактаби чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбари

Турсунбоев Шайхали Йўлдош ўғли – Бўстонлиқ тумани 18-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбари

Норметов Яшнар Улуғбекович – “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали Ғазалкент телекоммуникациялар боғламаси “Чорбоғ“ филиали раҳбари

*21-“Чорбоғ” округ сайлов комиссияси манзили – Бўстонлиқ тумани, "Фазогир" МФЙ, "Фазогир" маҳалла фуқаролар йиғини биноси. Тел.: 90 127 03 67.*

**28-“Қизғалдоқ” округ сайлов комиссияси**

**Комиссия раиси**

Алимов Абзалжон Солихович – Тошкент тумани “Файзиобод” МФЙ раиси

**Раис ўринбосари**

Шарипова Матлуба Исмаиловна – Тошкент тумани “Бештерак” МФЙ раиси

**Котиби**

Муродов Отабек – Тошкент тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ташкилий гуруҳи бош мутахассиси

**Аъзолари**

Агабекова Васила Тошканбоевна – Тошкент тумани "Қизғалдоқ" МФЙ масъул котиби

Усмонова Шохида Мирсоибовна – Тошкент тумани “Файзиобод” МФЙ масъул котиби

Азимова Севара Мирзохидовна – Тошкент тумани 9-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Норбобоева Доно Тураевна – Тошкент тумани “Дийдор” МФЙ ҳоким ёрдамчиси

Ўткиров Фарход Дилшод ўғли – “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали Тошкент тумани телекоммуникация боғламаси электромонтёри

Эргашев Муроджон Патхиддинович – Тошкент тумани бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлим бошлиғи

Ахмедов Элёр Эркинович – Тадбиркор

*28-“Қизғалдоқ” округ сайлов комиссияси манзили – Тошкент тумани, 1-сон касб-ҳунар мактаби биноси. Тел.: 97 718 87 93.*

**47-“Нурафшон” округ сайлов комиссияси**

**Комиссия раиси**

Турсунбаев Олим Саматович – Нурафшон шаҳар 57-умумтаълим мактаби директори

**Раис ўринбосари**

Хакимов Талип Адилович – “Машъал” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири

**Котиби**

Исроилов Отабек – “Машъал” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири ўринбосари

**Аъзолари**

Холбоев Фарход Рихсибоевич – Нурафшон шаҳар АС ва СЭОМ бош врачи

Султонов Мирсаид Хайдаралиевич – Нурафшон шаҳар Давлат хизматлари маркази директори

Мирахмедов Мирюсуф Миржалилович – Нурафшон шаҳар “Тоза ҳудуд” ДУК раҳбари

Турсинова Махфуза Махбуралиевна – Нурафшон шаҳар ХТБ инспектори

Пелтабаева Матлуба Мулдибаевна – Нурафшон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

Каримова Анора – “Адабиёт зиёси” газетаси мухбири

Абдуқодиров Бобур Баҳодирович – Ёшлар ишлари агентлиги раҳбари

Шорустамов Зуҳриддин Зайниддин ўғли – Тошкент вилояти Маданият бошқармаси бўлим бошлиғи

*47-“Нурафшон” округ сайлов комиссияси манзили – Нурафшон шаҳри, “Машъал” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти биноси. Тел.: 90 961 16 36.*

**52-“Янгибозор” округ сайлов комиссияси**

**Комиссия раиси**

Юлдашев Собир Хақназарович – Юқори Чирчиқ тумани касб-ҳунар мактаби директори

**Раис ўринбосари**

Мирзақулов Ақилбек Абдусаломович – Юқори Чирчиқ тумани ғазначилик бўлими бошлиғи

**Котиби**

Худайбергенова Фарида Казакбаевна – Юқори Чирчиқ тумани 6-умумтаълим мактаби директори

**Аъзолари**

Мелибоев Дилшод Бахтиерович – Юқори Чирчиқ тумани “Янгибозор телекоммуникациялар боғламаси” бошлиғи

Худайбергенов Шухрат Сағдуллаевич – “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти филиалининг “Юқори Чирчиқ тумани газтаъминоти” раҳбари

Ибрагимов Бобур Мухаммад ўғли – Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги молия бўлими мудири

Хожиакбаров Нухриддин Дилмурод ўғли – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани бўлими мудири

Шукуров Жамшид Миржонович – Халқ банки Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани филиали бошқарувчиси

Акилова Латофат Тухтахуджаевна – Юқори Чирчиқ тумани 6-умумтаълим мактаби география фани ўқитувчиси

Умаралиев Зокир Улуғбек ўғли – Юқори Чирчиқ тумани жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи

Яқубхўжаев Саидумар Саидакбарович – Юқори Чирчиқ тумани ободонлаштириш бўлими бошлиғи

*52-“Янгибозор” округ сайлов комиссияси манзили – Юқори Чирчиқ тумани, “Наврўз” МФЙ, Қўшчинор кўчаси, 30-уй, касб-ҳунар мактаби биноси. Тел.: 94 615 55 00.*

2. Округ сайлов комиссиялари таркиби, жойлашган манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган маълумотлар маҳаллий матбуотда эълон қилинсин.

**Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси** **И. НОЁБОВ**

Нурафшон шаҳри
2022 йил 24 март

**Бугуннинг юмушлари**

# МАЛЛАБОЙнинг БОЙЛАРИ КЎП. НЕГА?



**Ўтган асрнинг 30-йилларида Бекобод туманидаги бу қишлоққа Маллабой исмли киши бригадир этиб тайинланади. Қўриқ ерлар ўзлаштирилаётган у вақтларда катта майдонларда атиги 3-4 оила деҳқончилик қилган. Уддабурон Маллабой ердан унумли фойдаланишни биладиган асл деҳқон бўлгани учун қўл остидагилар билан қийинчиликларни енгиб ўтиб, йилдан-йилга мўл ҳосил ола бошлайди. Ҳозиргача оғиздан-оғизга кўчиб юрган ҳаётий воқеа қаҳрамонининг номи шу қишлоққа берилган. Гоҳида, ўзлари ҳам ҳазил қилиб: "Биз маллабойликларнинг ғайратини кўрган тонг ҳам қачон отганини билмай қолади", дейишади. Ҳақиқатан ҳам, бу ерлик қишлоқ аҳли қуёш чошгоҳга келгунча кундалик томорқа ва рўзғор юмушларини бажариб қўйишади...**

Бугун томорқачиликда кўпчиликка ибрат бўлаётган "Маллабой" маҳалласидаги 535 та хонадоннинг 500 тасида иссиқхона мавжуд бўлиб, унда турли сабзавот ва резавор экинлар парваришланмоқда. Бу маҳаллада етиштирилаётган маҳсулотлар қишин-ёзин эл дастурхонига тортиқ қилинади.





Вилоят раҳбари Зойир Мирзаев ушбу маҳаллада бўлиб, хонадонлардаги шароит, иссиқхоналардаги экинлар ҳолати билан танишди.

Шу куни маҳаллада Наврўз сайли ҳам бўлаётган экан. Биз ҳам байрамда қатнашдик. Маҳаллий аҳоли меҳнат қилишни ҳам, маданий ҳордиқ чиқаришни ҳам боплашар экан. Сайилга нуронийлар, маҳалла фаоллари, ёшлар, туман ҳамда вилоят масъуллари, эл суйган санъаткорлар жамланишди. Қизиқувчилар учун гандбол, волейбол, қўл жанги, шахмат-шашка, футбол мусобақалари ўтказилди. Туман ва шаҳар маданият бўлими ҳаваскорлари, мусиқа мактаби фольклор жамоаси, ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг чиқишлари барчага манзур бўлди. Сайил баҳона ҳудудда амалга оширилаётган ишлар, аҳолини қизиқтирган масалаларни ўргандик.

Ҳамроҳимиз туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Акромжон Мамадалиев ҳам шу маҳаллада истиқомат қилади. У ҳам томорқасининг 5 сотих майдонида бақлажон етиштираётган экан.

– Ишдан бўш вақтларимда деҳқончилик билан шуғулланаман, – дейди у. – Маҳалламизда зиёлилар, давлат идоралари хизматчилари кўп. Уларнинг хонадонларига кирсангиз баҳридилингиз очилади. Ҳар бири томорқаси ва иссиқхонасини яшнатиб қўйган. Меҳнатига яраша даромади, даромадига яраша фаровонлиги бор.

– Олти сотих майдонга 15 январда бақлажон эккандик, – дейди Қобилжон Арсланқулов. – Пишиб етилганига 10 кун бўлди. Икки ой давомида ҳосилни йиғиб оламиз. Сўнгра ўрнига бодринг экишни режалаштириб турибмиз.

– Очиғини айтсам, маҳалламиз довруғини қўшни давлатларда ҳам билишади, – дейди маҳалла раиси Шодмон ака Солиев. – Мақтанишга йўймангу биз нафақат томорқачиликда, балки ёшлар билан ишлашда ҳам фаолмиз.

*Ўрганишларимизга кўра, маҳаллада ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, ажримлар кузатилмайди. Сабабини сўраганимизда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма нимадир машғулот билан банд. Бекорчи одам йўқ.*

– Шу маҳаллага келин бўлиб тушганимга салкам ўттиз йил бўлди, – дейди Озодахон Нурматова. – Касбим ўқитувчи. Болаларга она тили ва адабиётдан дарс бераман. Шунингдек, томорқамиздан йилига икки-уч марта ҳосил олишни йўлга қўйганмиз. Шукр, даромадимиз чакки эмас. Шунинг ортидан икки ўғлимиз олийгоҳда таҳсил оляпти. Ҳалол меҳнат билан топилган бойликнинг баракаси ўзгача бўлади.

Ёшлар етакчиси Фирдавс Дадабоевнинг иш бошлаганига 70 кун бўлибди. Шу муддатда 15 нафар ёшнинг бандлигини таъминлабди. Яна 32 нафар ёшни ишлик қилиш тараддудида.

Дарвоқе, маҳалладаги 35 та ёш хонадон эгаларига иссиқхона учун кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Қарабсизки, 100 фоиз аҳоли иссиқхонада ҳосил етиштиради. Бу “Маллабой”да яна бойлар кўпаяди, дегани.

Обкўчманг, дейсизми? Ишонмасангиз ўзингиз бир келинг. Баҳонада томорқани қандай яшнатиб қўйиш ва мўл ҳосил олиш сирларини ўрганиб кетасиз.

**Нигора ЎРОЛОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**

*Бекобод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати олган суратлар*

# ТОМОРҚА... ТОМНИНГ ОРҚАСИ ЭМАС

***у хонадоннинг "юзи", турмуши ва маданияти кўзгусидир***

**Маълумки, мамлакатимизда беш ярим миллиондан ортиқ томорқачилар мавжуд бўлиб, уларнинг 456 мингдан зиёди вилоятимиз кесимига тўғри келади.**

Айтишларича, деҳқонлар “кун санайди”. Март ойидаги ёғингарчиликлар томорқачиларимиз ишларини бир оз сусайтирганига қарамасдан, 14 минг 209 гектар майдонга эртанги экинлар экилди. Қирқ мингдан зиёд иссиқхонада етиштирилаётган маҳсулотлар бугун пойтахт



ва вилоятимиз бозор расталарини тўлдирмоқда.

– Аҳолининг даромадини ошириш, турмуш тарзини яхшилашда томорқаларнинг ўз ўрни бор, – дейди Тошкент вилояти Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Рустам Қосимов. – Жорий йилда вилоятимиз бўйича суғорилиши оғир ҳудудларга 12 та йирик ва 53 та кичик артезиан қудуқлар қазиш белгиланган. Қудуқларни қазиш учун 3,6 млрд. сўм субсидия ажратилган. Биргина мисол, Бўка туманининг учта қишлоғида субсидия асосида артезиан қудуқлар қазилди. Уларнинг ҳар бирига 120 млн. сўмдан субсидия ажратилган бўлиб, 90 та хонадон сув билан таъминланади. Шунингдек, йил мобайнида Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан вилоятдаги томорқа ер эгалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда “Томорқа хизмати” МЧЖларни молиявий таъминлаш мақсадида салкам 23 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиши



кўзда тутилган. Жорий йилда 23 минг 656 гектар ерга эртаки, 22 минг 504 гектарга такрорий, 14 минг гектарга тўқсонбости экинлар экилиб, бир ярим миллион тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши кутилмоқда. Шунингдек, вилоятимиз миқёсида қурилиши режалаштирилаётган ўн икки мингта иссиқхона ҳам ҳар томонлама фойда келтириши шубҳасиз.

Маълумот беришларича, 456 мингта аҳоли томорқасининг ҳар қаричидан самарали фойдаланиш юзасидан тизимли ишлар мониторинги йўлга қўйилган. Марказий деҳқон бозорларига кўчат ва уруғларни етказиб бериш мақсадида “Томорқа хизмати” корхоналари учун махсус савдо майдонлари ажратилган. Уларга уруғлик ва кўчат, мотокультиватор ва минитрактор, инкубатор харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун 300 млн. сўмгача кредит ажратилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш керакки, вилоят бўйича “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида беш юздан ортиқ маҳаллаларда маҳсулот етиштирилмоқда. Жорий йилда улар сони 700 тага етказилиши назарда тутилган.

Шунингдек, хонадонларга 100 бош парранда, 5-10 бош курка, 20 бош қуён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уяси, интенсив усулда балиқ боқишни йўлга қўйиш мақсадида ажратиладиган кредитлар ҳисобидан тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ишлар туман ҳокими ёрдамчилари билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Улар яратилаётган имконият ва берилаётган маблағлар бесамар кетмаслиги, томорқалар ҳосилга тўлиши учун тинмай ҳаракат қилишмоқда.

**Нигора ЭРКИНБОЕВА**

**Эълон**

Тошкент вилояти Чиноз суғурта марказига бириктирилган А-4 № 018997 сонли полис қоғози йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



# Заминдан САМОга НУР

Учинчидан, рўзадор кишининг тана аъзолари ҳаракати тоат-ибодатлар учун енгил бўлади. Ҳаддан ташқари тўйиб овқатланиш танани бўшаштиради, ибодатда қоим бўлишни оғирлаштиради.

Тўртинчидан, рўза туфайли шайтоннинг малайлари мағлуб бўлади, Раҳмоннинг лашкарига нусрат ато этилиб, ғолиб бўлади. Рўзада нафсни тийиш аъзоларнинг бемалол бўлишидан, шаҳватларга муккасидан кетишидан сақланишдир. Негаки, озуқанинг кўпайиб кетиши нафсни ёмон шаҳватларга ундайди.

Бешинчидан, рўза туфайли дуолар қабул ва ижобат бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Уч киши борки, уларнинг дуосини рад қилмаслик Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақдир: оғзини очгунча рўзадорнинг, нусрат топгунча мазлумнинг ва қайтгунича мусофирнинг”, деганлар.

Қолаверса, тиббий-илмий изланишлар натижасида рўзанинг турли жисмоний ва руҳий касалликлардан ҳимояланишда ва уларнинг олдини олишда фойдаси борлиги собит бўлди. Баъзи мисолларни айтадиган бўлсак: рўза инсондаги касалликларга қарши курашиш қобилиятини (иммунитет) кучайтиради, чунки рўза тутган одамда ушбу мақсадга хизмат қилувчи ҳужайралар ўн марта кўпайиши илмий исботини топган.

Бу ойда ҳар бир қилинган амалнинг эвазига 70 тадан 700 тагача савоб берилиши ҳадиси шарифда баён этилган: “Ҳар бир хайрли амалга ўн баробардан етти юз баробаргача савоб берилади” (Имом Табароний ривояти).

Аллоҳга беадад шукр, бу йил Рамазонда ҳам эзгу анъаналаримиз давом этади: таровеҳларда, Қуръони карим хатмларидан сўнг барча масжидларимизда Ватанимиз янада равнақ топиши, халқимиз турмуши бундан-да фаровон бўлиши, жаннатмонанд юртимиз гуллаб-яшнаши учун Яратганга илтижолар қиламиз.

Айни пайтда Тошкент вилоятида жами 224 та жоме масжид бўлиб, шулардан 221 тасида таровеҳ намозлари адо этилади, шу жумладан, 137 тасида Қуръони карим хатм қилинади. Барча мўмин-мусулмонлар Қуръони карим тиловатидан завқ олишлари учун Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тавсиясига биноан хатми Қуръонлар 27 кундан кам муддатда ўтказилмаслиги белгилаб қўйилди.

Албатта, у ойлар султони, унда илк бора Аллоҳ таолонинг каломи нозил бўлган. «Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир» (Бақара сураси, 185-оят).

Дарҳақиқат, Рамазон бу – Қуръон ойи. Унинг кечаларини қориларнинг гўзал қироатлари билан таровеҳлар безаб туради. Аллоҳнинг каломини хатм қилиш, уни тинглаш, ундан баҳра олиш ниятида Ислом уммати таровеҳларга шошилади. Бу муборак кечаларда гўё нур заминдан самога кўтарилади. Чунки замин узра Аллоҳнинг уйларида Қуръони карим тиловатлари янграб туради. Ҳатто Қуръонни билмаганлар ҳам уни ўқиш, ёд олиш, айниқса, ўзи тиловат қилишни истаб қолади.

Рамазонда Қуръон тиловати билан машғул бўлиш энг улуғ ибодат ҳисобланади. Қуръон тиловати банданинг нажот топишига ва Парвардигори розилигига эришишига воситадир. Чунки Қуръон Аллоҳ ҳузурида ўз қорисини шафоат қилади. Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: “Қуръон ўқинглар! Чунки у Қиёмат кунида ўқувчилар учун шафоатчи бўлади” (Имом Муслим ривояти).

Қуръондан озгина бўлса ҳам ёд олиш – неъмат, Аллоҳ таолонинг марҳамати. Уни ўқиш, ёдлаш, ўрганиш учун Рамазон ойи жуда қулай ва баракали вақтдир. Шунинг учун бу мавсумни ғанимат билишимиз керак. Ёшлар ҳали ҳаммаси олдинда, бемалол улгураман, деб хотиржам бўлмасин, ёши улуғлар эса энди кеч, деб умидсизликка тушмасин. Ҳаракатда баракат, қимирлаган қир ошар, деган гаплар бежиз айтилмаган. Қуръоннинг ҳаммасини бўлмаса-да, унинг маълум қисмини ёки баъзи сураларни, ҳеч бўлмаса битта сурани ёд олишимиз мумкин. Шубҳасиз, бу – катта бахт.

## Марҳабо, Рамазон!

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Ким Аллоҳ китобидан бир ҳарф ўқиса, унга битта яхшилик-ҳасана ёзилади. Ҳасанага ўн баробар зиёдаси билан (ажр-мукофот берилади). Мен “Алиф, лом, мим” битта ҳарф деяётганим йўқ. Балки алиф бир ҳарф, лом бир ҳарф ва мим бир ҳарфдир» (Имом Термизий ривояти).

Дарвоқе, Рамазон ғанимат ойи. Бу ойда Қуръон ўқиш, кўплаб ибодатларни бажариш, энг муҳими, яна ҳам кўпроқ эзгу ишларни қилиб қолиш зарур. Бу ойда хайру саховат тадбирларини кўпайтириш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш керак. Зеро, Аллоҳ таоло ихлос ва самимиятимизга яраша ажрларни кўпайтириб беради, иншоаллоҳ.

**Жасурбек домла РАУПОВ,**
**Тошкент вилояти**
**бош имом-хатиби**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

| Рамазон | Ҳафта кунлари | Апрель-май | ҳ. 1443 / м. 2022 (Тошкент учун) Саҳарлик | Ифторлик |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Шанба | 2 | 04:47 | 18:51 |
| 2 | Якшанба | 3 | 04:45 | 18:52 |
| 3 | Душанба | 4 | 04:43 | 18:53 |
| 4 | Сешанба | 5 | 04:41 | 18:54 |
| 5 | Чоршанба | 6 | 04:39 | 18:55 |
| 6 | Пайшанба | 7 | 04:37 | 18:56 |
| 7 | Жума | 8 | 04:35 | 18:57 |
| 8 | Шанба | 9 | 04:34 | 18:58 |
| 9 | Якшанба | 10 | 04:32 | 18:59 |
| 10 | Душанба | 11 | 04:30 | 19:00 |
| 11 | Сешанба | 12 | 04:28 | 19:01 |
| 12 | Чоршанба | 13 | 04:26 | 19:03 |
| 13 | Пайшанба | 14 | 04:25 | 19:04 |
| 14 | Жума | 15 | 04:23 | 19:05 |
| 15 | Шанба | 16 | 04:21 | 19:06 |
| 16 | Якшанба | 17 | 04:19 | 19:07 |
| 17 | Душанба | 18 | 04:17 | 19:08 |
| 18 | Сешанба | 19 | 04:15 | 19:09 |
| 19 | Чоршанба | 20 | 04:13 | 19:10 |
| 20 | Пайшанба | 21 | 04:12 | 19:11 |
| 21 | Жума | 22 | 04:10 | 19:12 |
| 22 | Шанба | 23 | 04:08 | 19:13 |
| 23 | Якшанба | 24 | 04:06 | 19:14 |
| 24 | Душанба | 25 | 04:05 | 19:15 |
| 25 | Сешанба | 26 | 04:04 | 19:17 |
| 26 | Чоршанба | 27 | 04:02 | 19:18 |
| 27 | Пайшанба | 28 | 03:59 | 19:19 |
| 28 | Жума | 29 | 03:57 | 19:20 |
| 29 | Шанба | 30 | 03:56 | 19:21 |
| 30 | Якшанба | 1 | 03:54 | 19:22 |

### Рўза тутиш (саҳарлик, оғиз ёпиш) дуоси

Навайту ан асувма совма шаҳри рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъаалаа. Аллоҳу акбар.

**Маъноси:** *Рамазон ойининг рўзасини субҳдан то кун ботгунча тутмоқни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳ буюкдир.*

### Ифторлик (оғиз очиш) дуоси

Аллоҳумма лака сумту ва бика ааманту ва аълайка таваккалту ва аълаа ризқика афтарту, фағфирлий ма қоддамту ва маа аххорту бироҳматика йаа арҳамар рооҳимийн.

**Маъноси:** *Эй Аллоҳ, ушбу Рўзамни Сен учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй меҳрибонларнинг энг меҳрибони, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.*



## Рамазон ҳикмати

# Табассум ҳам неъмат



Мусулмоннинг энг гўзал хулқларидан бири бу одамларга табассум қилиш, очиқ чеҳрали бўлишдир. Бу амал гарчи кичик кўринса-да, одамлар ўртасида ўзаро муҳаббатни кучайтиради. Турли низоларнинг олдини олади, бошқаларга ҳам яхши кайфият улашади. Жамиятда очиқ чеҳрали одамларнинг кўпайиши инсонларнинг ғам-ташвишларини енгиллатади. Аслида табассум қилиш учун шароит, ортиқча куч-қувват талаб қилинмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам доим саҳобаларга очиқ чеҳра билан муносабатда бўлганлар, Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Ҳорис розияллоҳу анҳу шундай дейди: “Мен Аллоҳнинг Расулидан кўра очиқ чеҳрали кишини кўрмадим” (Термизий ривояти).

Ҳатто уламолар бу амални эҳсон қилиш даражасида эканини таъкидлаб, унга ажр берилади дейишган. Бунга далил қилиб қуйидаги ҳадисни келтиришган.

Абу Зар Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: “Биродаринг юзига қараб табассум қилишинг сенинг хайру эҳсонингдир” дейилган (Термизий ривояти).

Келинглар, биз ҳам доимо табассум қилишни одат қилайлик. Сабаби табассум қилиш юқумли бўлиб, бошқаларга ҳам яхши кайфият улашасиз. Бу билан жамиятимизда ҳасад, кўра олмаслик, душманчилик, низо каби салбий иллатларнинг олдини олган бўласиз.

*Бугуннинг шеъри*

## ИККИНЧИ АПРЕЛЬ

*Мен чарчаб сенга суяндим, ҳақиқат.*
*Соат бонг урмоқда,*
*Гаплашайлик, кел.*
*Қўрқма,*
*Ўтиб кетди бир кунлик даҳшат.*
*Бугун — иккинчи апрель,*
*Ҳақиқат,*
*Иккинчи апрель...*

**Усмон АЗИМ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**



## Учрашув

# Китоб – беминнат устоз

**Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш асосий устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган.**





Нурафшон шаҳридаги Президент мактабида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда “Китоб – беминнат устоз” мавзуида маърифий учрашув ташкил этилди.

Учрашувда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими раҳбари Маҳмуд Тоир иштирок этди.

Адабий тадбирда халқ шоирлари ўз ижодларидан шеърлар ўқишди. Шунингдек, ёшлар учун яратилаётган янгидан-янги имтиёз ва имкониятлар уларнинг юксак ахлоқ ва кучли билим соҳиби бўлиб етишишида муҳим омил бўлаётгани урғуланди. Ёшликнинг рангор фасли, шижоат ва интилишлар палласининг қадру баҳоси ҳақида гурунг қизиди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўқувчиларга бадиий адабиётлардан ташкил топган китоблар жамланмаси улашилди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва “Ўзбекистон” нашриёти томонидан ташкил этилган

“ПЕШОНАГА ЁЗГАНИДАН АЙРИЛМАЙДИ ШОИРЛАР...”

деб номланган ижодий кечага Сизни таклиф этамиз.




**Туябўғиз денгизининг у тарафидаги кичик шаҳардан Туябўғиз денгизининг бу тарафидаги катта шаҳарга гоҳ туяда, гоҳ пиёда қирқ йил қатнаб ишлаган қирчиллама мухбир, “Туркистон”дан чиққан “Муштум”зўр, журналист, фельетончи, публицист, ҳажвчи шоир, “Ўзбекистон” нашриёти муҳаррири Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ 60 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказиладиган ушбу қўшиқ ва кулгу кечаси Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида 2022 йил 7 апрель куни соат 11:00 да бошланади.**

КЕЧАГА ЭНГ ТАНИҚЛИ САНЪАТКОРЛАР, КУЛГУ УСТАЛАРИ, ЖУРНАЛИСТЛАР, ШОИР ВА ЁЗУВЧИЛАР, ҲАЖВЧИ ВА КАРИКАТУРАЧИЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНГАН.

*Театр фойесида китоблар ярмаркаси ташкил қилинади.*
*“Ўзбекистон” нашриёти қаламкашларининг қувончли лаҳзалари иштирокчиси бўлинг!*

БАЙРАМИМИЗГА ШИТОБ БИЛАН КЕЛИБ, КИТОБ БИЛАН ҚАЙТАСИЗ!

*Ташкилий қўмита*



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Salom SAMADOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Ra’no TURDIBOYEVA
Sergey MUTIN
Zarifa ERALIYEVA
Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (71) 233-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari: (71) 233-70-10
Mas’ul kotib: (71) 233-90-82
Bo‘lim muharrirlari: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi: (71) 233-54-10
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir: Kumush EGAMBERDIYEVA
Mas’ul kotib: Alloma AZIZOVA
Navbatchi: Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.
Bosishga topshirildi – 22.30
Nashr ko‘rsatkichi – 205.
Buyurtma G-435.
4 110 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: 100000, Matbuotchilar ko‘chasi, 32.

**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**

1 2 3 4 5 6